

Тошкент ш.

2022 йил «___» _____

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, 2022 йил 5 январдаги ишончнома асосида фаолият юритувчи обуна бўлими бошлиғи Колчанова С.Н. тимсолида бир тарафдан ва _____

_____ бундан кейин Обуначи деб юритилади, _____ асосида фаолият юритувчи _____

_____ тимсолида иккинчи тарафдан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Тахририят 2023 йилда қуйидаги даврий нашрларни чиқариш ва Обуначига етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини, Обуначи эса ушбу нашрлар қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар:

Индекс	Нашрнинг номи	Обуна нархи (тўлов қўнига МҲТЭКМда)	Обуна қиймати (сўм)*	Нусхаси	Умумий қиймат (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон)	2,392	2 200 640		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)	1,794	1 650 480		
197	«Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,196	1 100 320		
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)	2,392	2 200 640		
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)	1,794	1 650 480		
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)	1,196	1 100 320		

* МҲТЭКМ оширилган санагача ҳақиқийдир.

2. Жами тўлашга: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.

3. Тахририят ўз зиммасига почта бўлимлари ёки бошқа ташкилотлар орқали нашрларни Обуначига мазкур шартноманинг 4-бандида кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил этиш мажбуриятини олади.

4. ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН МАНЗИЛ (Обуначи томонидан босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

Почта индекси		Минтақа/ Вилоят		Шаҳар/ туман	
(қўнлоқ / шаҳарча / хўжалик / кўча, мавзё, дасра, уй, хонадон)					
Олувчининг Ф.И.Ш.				Тел./факс	

5. Тахририят қуйидаги ҳолларда нашрларни етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди: агар Обуначи томонидан етказиб бериш манзили аниқ кўрсатилмаган бўлса; Обуначи Тахририятга имзоланган ва тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани (Тахририят нусхасини) тақдим этмаган бўлса.

6. Обуначи 2022 йил 25 декабрдан кечиктирмай (МҲТЭКМ оширилган тақдирда - МҲТЭКМ оширилган санагача) Тахририятнинг ҳисобрақамига обуна қийматининг 100%ини ўтказиш ва Тахририятга тўлиқ расмийлаштирилган мазкур шартномани етказиш мажбуриятини олади.

7. Тахририят нашрлар чиқариб юборилишига қараб ҳар ой якунлари бўйича Обуначига электрон ҳисобварақ-фактурани тақдим этади. Обуначи ўз зиммасига тақдим этилган электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳар ойда улар олинган пайтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун мобайнида тасдиқлаш мажбуриятини олади.

8. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта хизмати ёки бошқа етказиб берувчи ташкилот билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати ёки бошқа ташкилот томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

9. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Мазкур шартнома обуна қиймати Обуначи томонидан 2022 йил 25 декабрдан кечиктирмай (МХТЭKM оширилган тақдирда - МХТЭKM оширилган санагача) 100% тўлангандагина кучга киради ва тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилганига қадар амал қилади.

11. Мазкур шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низолар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда, низолар Тошкент туманларaro иқтисодий судининг кўриб чиқишига топширилади.

12. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар: табиий офатлар, давлат органларининг ҳужжатлари қабул қилиниши ва тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган бошқа ҳолатлар оқибатида ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолати юзага келган Тараф бошқа Тарафни шартнома шартларини бажара олмаслик ҳолати юзага келганлиги ҳақида форс-мажор ҳолатлар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилиши ва мажбуриятлар бажарилишининг янги муддатларини келишиб олиши лозим.

13. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТАҲРИРИЯТ:

«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1,

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22.

Х/р 2020 8000 3008 7382 7001

«KDB BANK UZBEKISTAN» банкида, МФО 00842.

СТИР 305504530, ИФУТ 58130.

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:

326010039431.

тел. (78) 147-11-72.

E-mail: obuna@norma.uz

ОБУНАЧИ:

Корхона,
ташкилот:

СТИР:

ИФУТ:

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтиш коди:

Манзил:

Телефон, факс:

Х/р:

Банк:

Банк коди:

Рахбар

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

М.Ў.



Бўлиб бошлиғи

Колчанова С.Н.

М.Ў.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИДА ТЕЛЕФОН РАҚАМИНГИЗ
ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНЗИЛИНИ ТЎЛИҚ КЎРСАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни (78) 147-11-72 телефони ва norma.uz сайтидан олишингиз мумкин.
100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22. E-mail: obuna@norma.uz